

613
Ф-31

Фан ҳақида сүхбат лар

С. ФАХРИДДИНОВ

УМР
ЗАВОЛИ

610-6165/5



№ 17

ФАН
ҳақида
сұхбат
пар

С. ФАХРИДДИНОВ,
медицина фанлари доктори

613.
Ф-31

УМР
ЗАВОЛИ

б. 6165/5.

БИБЛИОТЕКА

Сам. СХИ

б. Самоделкин



ТОШКЕНТ
«ЎЗБЕКИСТОН»
1979

613.81

ББК 56.1

Ф32

Ичилилбозликтан ҳали җеч ким наф кўрмаган, фойдаси ни сезмаган. Бу аниқ. Зотан спиртли ичимлик инсоният ҳаётти-фаолияти ууий иони заарар эканлигига хамма шоҳид. Ичилилк оқибати киши мартабасини пасайтиради, обручини тўқади, соғлигига путур етказади. Оиладан беҳдиради: ниҳоят жаҳанинам ёқасига судраб элтади. Ана шу инсон ҳаётининг оғатига, яъни ичилилбозлика қарши умумхалиқ кураши барчанинг хайрли бурчидир.

Совет халқининг соғлиги ва фаровонлиги йўлида камхўрлик қилиб келаётган Коммунистик партия ва Совет ҳукуматимиз умр заволи бўлмиш алкоголизмнинг олдини олиш, унинг асли маинани бутунлай тугатиш тадбирларини кўрмоқда, ўтмиш сарқити сифатида аҳоли орасида ҳозиргача илашиб юрган мастбозлика қарши кураш чораларини изчиллик билан амалга ошириб келмоқда. Китобча муаллифи республикамизда алкоголизмнинг уругини қуритиш йўлида олиб борилаётган амалий тадбирлар хақида мулоҳаза юритган ва ичилилк балосидан қутулиш борасида ўринли таклифлар тавсия этган.

Брошюра кенг нитобхонлар учун мўлжалланган.

ББК 56.1

617.9

Сайдиддин ФАХРИДДИНОВ
АЛКОГОЛЬ ГУБИТ ЗДОРОВЬЕ

На узбекском языке

Издательство «Узбекистан»—
1979, 3-700129, Ташкент, Навои, 30.

Редактор М. Жўраев
Техредактор В. Демченко
Корректор М. Сайдбоева

Теришга берилди 23.01.1979 й.
Босишга руҳсат этилди 14/V-1979 й. Р-14255. Формати
 $84 \times 108^{1/32}$. № 2 босма қозозига
юқори босмада босилди «Литературная» гарнитурада. Шартли
босма листи 0,84. Нашр листи 0,79. Тиражи 6916. Шартнома
20—79. «Ўзбекистон»
нашриёти, Тошкент, 3-700129,
Навоий кўчаси, 30. Заказ № 146. Баҳоси 4 т.

Ўзбекистон КП Марказий Ко-
митети нашриётининг Мехнат
Қизил Байроқ орденли босма-
хонаси. Тошкент, ГСП, «Правда
Востока», 26.

⊕ 50000 202
М 351 [04] 79 269—79

© «ЎЗБЕКИСТОН»
нашриёти, 1979 й.

Ичкиликбозлик — кишилик жамиятининг капитализм босқичида оғир турмуш заминида вужудга келган ижтимоий оғатдир.

Маълумки, спиртли ичимликларни оз-оздан систематик равишда ичиш натижасида ичкиликбозлик ва алкоголизм келиб чиқади. Шунинг учун ичкиликбозлик тарқалмаслигининг олдини олиш ва унга қарши кураш барчанинг бурчидир.

ИНСОНПАРВАРЛИК ТАДБИРЛАРИ

СССР ҳукумати ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни ҳамиша кучайтириш юзасидан систематик равишда тадбирлар кўриб, уни амалга ошириб келмоқда.

СССР Министрлар Совети ичкиликбозликка қарши кураш бўйича маҳсус қарор қабул қилди. Бу қарорда корхоналарда ва гражданлар истиқомат қиладиган жойларда ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашда маъмурӣ органларни ва жамоат ташкилотларини ҳамда (биринчи павбатда) милиция, ўртоқлик судлари, жамоат тартибини сақловчи кўнгилли халқ дружиналарининг, шунингдек халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари ҳузурида тузилган ичкиликбозликка қарши кураш комиссияларининг фаолиятини кучайтириш каби амалий вазифалар белгиланди.

Қарорда ичкиликбозликка қарши кураш юзасидан ҳужалик раҳбарларига ва бошқаларга берилган ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳамда уларнинг зиммасига юклитилган вазифаларнинг бажарилиши учун талабчанликни ошириш, барча колективларда спиртли ичимликларни

сунистеъмол қилиш фактларига ва ичкиликбозликка нисбатан муросасизлик вазиятини вужудга келтиришга эришиш кераклиги: ўз тобелигидаги (бўйсунувчи) ходимлар билан иш вақтида спиртли ичимликлар истеъмол қилувчи бригада бошлиқлари, мастерлар, участка, цех, смена бошлиқлари ва бошқа хўжалик раҳбарлари қаттиқ жавобгарликка тортилиши лозимлиги; ичкиликбозлик туфайли меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини, жамоат тартибини ва социалистик турмуш қоидаларини бузган шахсларга нисбатан қонунида белгиланган чоралар янада самарал қўлланишин зарурлиги; мазкур шахсларни мукофотлардан, дам олиши уйлари ва санаторийларга имтиёзли путёвкалардан маҳрум қилиш, уларнинг уй-жой навбатини кечикитириш каби чоралар кўрилиши шартлиги; врачларнинг алкоголли ичимликлар истеъмол қилиш ман этилганлиги тўгрисидаги кўрсатмасини бузган шахсларни даволаш-согломлантириш муассасаларидан чиқариш муддатлари тўгрисида белгиланган талабларга қаттиқ риоя қилинини кераклиги; спиртли ичимликлар сотиш қоидаларини бузини ҳолларига қарши кураш кучайтирилиши муҳимлиги таъкидланган.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигига алкоголизм проблемаларига доир илмий тадқиқотларни кучайтириш, Медицина саноати министрлигига эса зарур дори-дармон ва препаратларни кўплаб ишлаб чиқарни тоширилди.

СССР Ички ишлар министрлигига кўчаларда ва бошқа жамоат жойларида маст ҳолда юрган шахсларга нисбатан белгиланган таъсир чораларини ҳеч сўзсиз қўлланиш ва самогон тайёрлашга қарши амалий чоралар кўриш вазифаси юклатилди.

Бу чора-тадбирларнинг бари инсон сиҳат-саломатлинини сақлаш, коммунизмнинг муносиб қурувчисини — ҳар томонлама гармоник ривож топган янги кинини, баркамол инсонни вужудга келтиришга қаратилгандир.

* * *

Маълумки, алкоголли ичимликлар киши соғлиғига зиён келтиради, уни ҳар томонлама сафдан чиқаради.

Алкогол тўқималарга сувга нисбатан яхшироқ шимлади. Ичилган алкоголнинг 90 процентга яқини меъда шиллиқ пардаси, қолган қисми эса ичак ворсинкалари орқали қонга шимлади. Алкоголнинг организмга шимлиш тезлиги унинг миқдори ва сифатига ҳамда орга-

шамнинг ҳолати ва хусусиятларига боғлиқ. Кузатувнанда бир марта ичилган алкоголининг қоңдаги энг юқори концентрацияси 30 минутдан 5 соатгача сақланиб туриши қайд қилинган. Шунинг учун ҳам алкоголининг таъсири ҳар бир организмда ўзига хос ҳолда кечади.

Алкогол бош мия тўқималари томонидан энг кўп миқдорда сўрилади. Олимларнинг аниқлашича, бир марта ичилган алкогол 15 суткада организмдан чиқиб кетади ёки оксидланади. 40 градусли ароқнинг ярим литри организмдан йўқолиши учун 20—30 соат вақт керак бўлади. Демак, алкогол организмда оксидланади ёки зараризланади. Бундай жараён асосан жигарда бўлади.

Ичилган алкогол аввало организмнинг нерв системасига таъсир этади. Чунки инсоннинг мия ҳужайралари ёғсимон модда — липондга бой бўлиб, спирт кўпроқ шу ерларда тўпланади. Алкогол мия пўстлоғига ва бош мия олий нерв фаолиятига энг кўп таъсир этгани учун кишининг руҳий ҳолати тезда ўзгаради. Олий нерв фаолиятининг қўзғалиш ва тормозланиш каби асосий вазифалари орасидаги боғланиш бузилади. Натижада баъзилар серҳаракат (унумсиз ва кераксиз ҳаракатлар), вайсақи бўлса, баъзилар камҳаракат, камгап, мудроқ босадиган, фойдали ишга яроқсиз бўлиб қоладилар. Қилмишларига түгри баҳо бера олмайдилар. Бу эса оғир оқибатларга олиб келади. Олимлар берган маълумотларга кўра, ичилган озгина алкогол ҳам киши ақлий меҳнатини 12—14 процент ва баъзи ҳолларда ҳатто 25 процентгача камайтириб юборар экан.

Америка Қўшма Штатларида дам олини ва байрамлардан кейинги куниларда ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар кўпайиши аниқланган. Масалан, дам олиш куни ичкилик ичишга одатланганларда меҳнат қобилияти душанба куни 10—13 процент, байрамдан кейинги кунда эса нормадаги бажариладиган иш 25—30 процент пасайган.

Ичкиликка ружу қилган киши обрў-эътиборини йўқотиш, ўзига ва жамиятга кўп зарар келтиришдан ташқари, турли касалликларга дучор бўлиб, организмнинг емирилишинга сабабчи бўлади.

Сурункасига ва узоқ муддат алкогол ичини юрган кишилар кўпинча юрак-томир касалликларига дучор бўладилар. Уларда юрак уриш мароми бузилади — юрак тез-тез қисқарадиган бўлиб қолади. Кўкракда, юрак устида оғриқ пайдо бўлади, улар ўзиши ноҳущ сезадилар. Олдинига юракда бўлган функционал ўзгариш кейинча-

лик чуқур органик ўзгаришларга айланади. Юрак томирларыда ўзгаришлар пайдо бұлади. Юрак мушакларининг озиқланиши бузилади. Натижада бу юрак инфарктига олиб келади ва күпшіча кишишинг ҳәсти фожиали түгайди.

Клиник врачларининг күзатышларынға қараганда, бош мия қон-томирларининг склерози, гипертония касаллнги ичкиликбозларда күпроқ учрайди.

Шунингдек, ичкиликка ружу қылған кишиларининг бошқа (жигар, үпка, бүйрак каби) органларыда түрли касаллуктар пайдо бұлади ва натижада шу органларининг фоалияты бузила бошлайди. Бора-бора уларда чуқур ўзгаришлар юз беради. Оқибатда бу органларининг функцияси батамом издан чиқади.

Алкогол туфайли киши юқумли касаллуктарға күпроқ дучор бұлади. Чунки уннинг организми касаллуктарға қарши курашиб қобилиятиниң анча йүқотиб қойған бұлади. Шунинг учун ҳам ичкиликбозларда касаллук бошқаларға қараганда оғирроқ кечади.

Алкоголли ичимліклар айниқса жигарии қаттық ишкестлайди. Шу муносабат билан жигарининг киши организмдеги роли, жигар касаллуклары ва алкогольдемининг жигарға таъсирини батағсыз күриб чиқши жонд.

Маълумки, инсон яшашын учун озиқ-овқат иштеймөл қилиши керак, чунки организм томонидан сарфланадиган энергияның қоплаш эңг зарурий шарт-шароитлардан ҳисобланади. Бу эса ташқы муҳитдан олиадиган асосий озиқ-овқат моддаларининг организм томонидан қабул қилиниши, қайта ишлениши ва ўзлаштырылышы (асимилляция) ҳисобига бұлади.

Озиқ моддалар меъда-ичак системасында тушигач, овқат ҳазм қилишда иштирок этадиган меъда-ичак пираси ёрдамида ичак ворсинкалары орқали қонга сүрилиш учун тайёр бұлади. Фойдаланылмай қолған моддаларни ҳамда модда алмашиш туфайли ҳосил бўлган пировард чиқиндиларни ташқы муҳитга чиқариб ташлашда ичак асосий роль ўйнайди. Шуни айтиб ўтиш керакки, ичак ҳамда организмнинг ички муҳити ўртасида, яъни қон системаси ва лимфа системаси ўртасида жигар туради. Жигар организмдаги эңг катта безлардан ҳисобланыб, у жуда кўп турли-туман вазифаларни бажаради. Үнда асосий биохимик жараёнлар бажарилиб, организм ички муҳитининг доимийлиги сақлаб турлади. Жигарни организмдаги эңг катта «биохимик лаборатория» деб қараш жуда ўринли. Жигарда қон айланиш системасининг

үзига хослиги унинг организмдаги ролини янада юқори кутаради. Қон жигарга «дарвоза венаси» деб аталувчи томир ва «жигар артерияси» орқали қўйлади. Дарвоза иена системаси овқат ҳазм қилиш органларидан йифилгани, ўзида турли озиқ моддалар тутган қонни жигарга қуяди ва бу қон жигарда қайта ишланади. Жигар артерияси эса жигар ҳужайраларини кислород ва бошқа керакли озиқ моддалар билан таъминлаб, унинг нормал фаолиятини сақлаб туради. Иккала система жигарда жуда катта (400 квадрат метр) сатҳга эга бўлган капилляр тармоқни ҳосил қиласди ва бир кеча-кундузда жигардан 2000 литр қон айланишини таъминлайди. Бундай 80 процент қон дарвоза венаси орқали, 20 проценти эса жигар артерияси орқали ўтиб, жигар ҳужайраларини таъминлаб туради. Бир неча минг жигар ҳужайралари йигилиб (0.5 куб миллиметр ҳажмга эга бўлган) жигар бўлакчаларини ташкил қиласди. Бундай бўлакчалар жигарда бир қанча миллион донадиди.

Жигар карбопсув алмашишида катта роль ўйнаб, гликогеннинг синтез қилиниши ва парчаланишининг тартибга солиниб туриши ҳисобига қонда глюкоза миқдорини доимо бир меъёрда сақлаб туради. Жигар ёғ алмашинишининг ҳамма босқичида қатнашади. Бунинг учун у ўзидан ўт ишлаб чиқаради. Шунингдек, жигарда организм учун «қурилиш материали» бўлган оқсил ва унинг турли хил фракциялари синтез қилинади. Бундай оқсиллар организм учун зарур ҳисобланган бир неча хил аминокислоталарнинг ҳар хил шаклдаги комбинацияларидан ташкил топади.

Организм учун энг керакли ҳисобланган протромбин ва фибриноген, проконвертин ва проакцелерин каби оқсиллар фақат жигардагина синтез қилинади. Бу оқсиллар қоннинг қуюлиш ёки суюлиш жараёнида жуда катта роль ўйнайди.

Оқсиллар ҳам жигарда синтез қилинади ва парчалашибади. Альбумин деб аталадиган оқсилларнинг ҳаммаси, бета-глобулинларнинг 50 проценти, альфа-глобулинларнинг 75—90 проценти жигар ҳужайраларида синтез қилинади. Жигарнинг оқсилларни синтез қилиш қуввати анча юқори. Масалан, соғлом жигар бир кеча-кундузда 13—18 грамм альбумин синтез қила олади. Оқсилларнинг гамма-глобулин деган фракцияси эса ретикулоэндотелиал система ҳужайраларида синтез қилинади. Жигарнинг турли касалликларида: гепатит (жигар ҳужайраларининг яллиғланиши), цирроз (ҳужайралараро

құшувчи тұқималарнинг күпайиб кетиши натижасыда жигарнинг кичрайиб, қотиб қолиши), жигар раки ва бошқаларда юқорида қайд қилингандың оқсилларнинг үзаро миқдорий мутаносиблиги ва сифати ҳамда қон ивиш жараёни бузилади. Жигар касаллигининг оғир-енгиллик дарајаси эса жигар ҳужайраларининг қанча қисми касалланганига борлық. Бу ҳол клиник-биохимик методлар ёрдамида аниқланади.

Организмда турли хил пигментларнинг синтез қилиниши ва парчаланишида жигарнинг роли катта. Айниқса, у таркибидә темир моддасы тутувчи пигментлардан гемоглобин, миоглобин, цитохром ва бошқалар алмашинуvida хизмат қилади. Гемоглобин ретикулоэндотелиал системасыда, хусусан жигардаги күпфер ҳужайраларидә ҳамда бошқа органларнинг құшувчи тұқимасынан гистиоцитларда парчаланади. Организмда пигмент алмашинувининг бузилиши анча оғир оқибатларга олиб келади.

Жигарнинг организмдеги яна әнг асосий вазифаларидан бири, организм үчун ёт бұлған турли хил (зақарали) моддаларни заарсизлантиришdir. Заарсизлантириш жараёни ҳар хил бұлғын, үша моддаларни оксидланиш, қайтарилиш, метил, ацетил ёки бошқа бирор группа ионлари ёхуд моддалари билан бириктириб ҳосилялар пайдо қилиш орқали кечади ва натижада биргаликдеги (комплекс) моддалар ҳосил қилинади, улар эса организм үчун индефферент ҳисобланади ва асосан буйраклар орқали чиқарып ташланади.

Жигар бажарадиган яна қатор вазифалар борки, ҳозир уларни бирма-бир санаб үтишнинг қожати йүқ. Жигар фаолиятининг бирор томони издан чиқиши баъзан организм үчун жуда хавфли ҳисобланади. Шу үринде жигарнинг алкоголдан таъсирланиши ва организмда алкогол алмашинуви ҳақида тұхталиб үтиш даркор.

Ичкиликка ружу қылған, ұтто оз-оздан бұлса-да муттасил ичиб юрган күпчилик кишиларда ва деярли ҳамма ичкиликбозларда ички органлар касаллиги учраши муқаррар.

Алкогол бирор органни ёки бир йұла бир неча организмы касалға мубтало қилади. Олимлардан Ю. К. Елецкий ва Ф. Д. Любимовалар ҳайвонларда олиб борган тажрибаларда ұтто озгина миқдорда берилған алкоголь оқ каламушлар организмінде анчагина үзгаришлар көлтириб чиқарғаны маълум бўлди, айниқса, уларнинг жигаридан — жигар ҳужайраларидан күпгина биохимик үз-

гаришларни вужудга келтирди, жигарнинг асосий фаолияти бирмунча бузилди. Олдинига оқ каламуш жигари ҳужайраларида ёф булакчалари нонормал кўпайиб кетди. Ҳужайраларнинг шакли паталогик кўринишга ўтиб организм фаолияти учун энг зарур моддалардан ҳисобланган гликоген йўқола бошлади. Жигардаги бундай ўзгаришлар сутканинг охирига бориб юқори нуқтасига етди ва иккинчи ҳафтанинг охирига борибгина йўқола борди. Бу бир жонивор организмидаги ўзгаришдир. Инсон организмидаги айниқса муттасил ичадиган кишилар организмидаги ўзгаришлар янада даҳшатлироқ ўтади.

Систематик равишда спиртли ичимлик ичиш натижасида жигар фаолияти тезда ишдан чиқади. Унинг қанд алмашинувидаги вазифаси, холестерин ишлаб чиқариш, пигмент алмашинуви ҳамда заҳарли моддаларни заҳарсизлантириш ва бошқа бир қанча фаолияти бузиладики, бундай ҳолда организмнинг ишдан чиқиши ҳеч гап бўлмай қолади.

Дастлаб бир-икки марта ичишда ҳеч нарса ўзгармандек бўлиб кўринади, чунки организм ҳамда жигар соғлом ва бақувват бўлгани туфайли асоратсиз ўтиб кетиши мумкин. Бу функционал ўзгариш дейилади. Аммо ичкилиkkка ружу кила бошланса, албатта, организмда чуқур ўзгариш бўлади ва киши жигари ҳамда мияси бедаво дардга учрайди.

Сурункасига алкогодан заҳарланиш жигар яллигланишини келтириб чиқаради, ўткир ёки сурункали гепатит билан касалланишга сабаб бўлади. Беморларнинг юз-кўзи шиша бошлайди, баъзан оёқда шиш пайдо бўлади, жигар оғрий бошлайди, шишиб катталашади, кўз саргаяди, кўнгил айнайди, киши қуса бошлайди, иштакаси бўғилади.

Қасалликнинг бундай давом этиши натижасида жигар ишдан чиқа бошлайди — жигар циррози келиб чиқади. Икки-уч йил ўтгач, жигарнинг ишдан чиқиши натижасида киши ўлади. Жигар циррозининг келиб чиқишига асосан алкогол сабабчи экани илмий текширишлирида тўла-тўкис исботланди. Жигар ҳужайраларидаги мавжуд алкогодегидрогеназа ферменти туфайли алкоголнинг организмдаги 90—95 проценти оксидланиш жараёни ҳисобига ацеталдегидга парчаланади. Алкогол таъсирида кучсизланган организм тезда вирусли гепатит (сариқ) касалига дучор бўлади. Бу қасаллик оғир

кечади, күниңча жигар циррози касаллиги келиб чиқиши натижасыда кишини ўлимга олиб келади.

Баъзи кишилар одам юқумли касалликларга дучор бўлганида алкоголь «микробларни ўлдирап эмиш», бундай ҳолатларда спиртли ичимликларни даво сифатида истеъмол қилиши «фойдали эмиш», деган гаплар билан ичкилик ичинин қувватламоқчи бўладилар. Бундай фикрлар мутлақо нотўғри бўлибгина қолмай, оғир оқибатларга ҳам олиб келади. Чунки киши мастилигидага унинг қонидаги алкоголь 0,6—0,7 процентнингина ташкил қиласи. Бундай концентрация микроорганизмларга қарши курашга бардош беролмайди. Ваҳоланки, ташки муҳитда баъзи микроорганизмлардан холи бўлиш учун, масалан, укол қилиниши керак бўлган шприцини, жарроҳнинг операция қилишда ишлатадиган асбоблари ҳамда қўлини ва бошқаларни дезинфекция қилиш учун фақат 70 градусли этил спирти тавсия қилинади (0,7 процентли билан 70 процентли концентрацияни солиштириб кўрининг-а! 100 баравар фарқ бор).

Бундай мальумотлар алкогольни юқумли касалга дучор бўлган беморлар учун фойдали дейишнинг бутушлай нотўғри эканини кўрсатувчи аниқ далиллардир. Яна бир мисол. Олимлар шундай тажриба ўтказишган. Тажриба учун икки группа ҳайвонлар олиб, бир группасига кунига оз-оздан вино спиртидан ичиришган ва иккала группа ҳайвонларни сил бактерияси билан сунъий усулда касаллантиришган. Бунда вино спирти билан заҳарланган ҳайвонлар 45 кун ичидан ўлган, заҳарланмаган ҳайвонлар эса 120 кун (деярли 3 баравар ортиқ вақт) яшаган. Шуни айтиб ўтиш керакки, юқумли касаллик билан оғриган бемор «даво» сифатида спиртли ичимлик ичар экан, у ўзини бироз яхши сезгандек ҳис этади, яъни баъзи оғриқлардан холи булади, чунки алкоголь наркоз қилювчи модда бўлгани учун беморнинг оғриқни сезиши камаяди ва натижада беморда спиртли ичимликнинг «фойдали» экани ҳақида нотўғри фикр пайдо бўлади.

Аслини олганда спиртли ичимликлар киши организмининг микробларга қарши курашувчи қобилиятини анча пасайтириб юборади ва натижада касаллик бундай беморларда оғир кечади, унинг ўткир шакли эса сурункали касалга айланиб кетиши мумкин.

Жигарининг жароҳатланиши билан кечадиган касалликларда, айниқса, юқумли вирусли жигар (вирусли гепатит) касаллигидага спиртли ичимликлар оғир оқибатларга олиб келади. Ёмон асоратлар қолдиради. Йчки-

ликка ружу қилиб сурункасига ичиб юрувчиларда жигар циррози, ҳатто жигар ракининг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Шунингдек бир қатор юқумли касалликлар (меъданчак касалликлари ва бошқалар) борки, ҳаммаси ҳам алкоголли ичимликлар таъсирида ўзгача тус олади, оғир кечади, ўткир шакли сурункали касалликка айланади.

«САМОГОН» ИШЛАШ — ЖИНОЯТ

КПСС Марказий Қомитети билан СССР Министрлар Советининг алкоголизмга қарши кураш түғрисидаги қарорлари ва шу қарорларнинг амалга оширилиши ҳамда яна қўшимча тадбирлар қўлланиш ҳақидаги кейинги қарорларида «самогон» ишлаш билан шуғулланувчиларга қарши қаттиқ чоралар кўриш зарурлиги алоҳида қайд қилинади. Бу қарорнинг нақадар адолатли, инсон саломатлиги учун бениҳоя катта ғамхўрликдан иборат эканини қўйидагилардан билиш мумкин.

Шуни айтиб ўтиш керакки, этил (вино) спирти, ароқ ва уининг турлари, конъяқ, шампан виноси ва винопарнинг бошқа турлари, шунингдек ром, пиво, самогонлар алкоголли ичимликларга киради. Улар бир-биридан ўз таркибий қисмига кўра, физик-кимёвий хоссалари билан фарқланади.

Алкоголли ичимликларни тайёрлаш жараёнида бир қашча заҳарли моддалар ҳосил бўлади. Улар турли кимёвий бирикмаларда ташкил топгани учун уларни «сивуш мойлари» деб аташ одат бўлган. Булар айниқса самогонда кўп бўлади. Сивуш мойлари алкогол (вино спирти)га нисбатан 19 баравар кучлироқ заҳарли ҳисобланади. Самогон таркибидаги фурфурол эса 33 баравар заҳарлидир. Самогондаги пиридин моддаси ҳам ниҳоятда заҳарли бўлгани учун, ундан озгинасини тери остига юборилса бас, организмни бўшаштиради ва ўлдинади.

Самогон таркибида яна бир қанча заҳарли моддалар, жумладан, ацетальдегид, триметиламин, олтингугурт, хлоридлар, турли хил органик ҳамда азот ачитқилари ва бошқа моддалар, шунингдек кимёвий элементларнинг заҳарли бирикмалари мавжуд.

Аёнки, органик кислоталар — ачитқилар ёрдамида, самогон тайёрлани жараёнида, идиш деворларида металларнинг эришидан оғир металлар (темир, қўроғошин, мис ва бошқалар)нинг тузлари ҳосил бўлади. Булар

эса организм учун жуда заҳарли ҳисобланниб, бундай ичимликни озгина миқдорда ичган киши ҳам қаттиқ заҳарланади. Чунки организм бундай заҳарли моддалардан жуда таъсиранувчан бўлади.

Алкогол ва алкогольчи ичимликлар хлороформ ва эфир каби ҳамма ҳужайраларга заҳарли таъсир кўрсатади, уларнинг ҳаёт фаолиятини барвақт издан чиқаради.

Этил спирти ҳужайра ва тўқималарни сувсизлантириб, ёғларни эритиб, оқсилларни ивитгани учун тўқималар зичлашиб қолади. Натижада унинг буруштирувчи таъсири юзага чиқади. Шунинг учун ҳам сурункасига ичиб юрувчи, ичкилиқка муқкасидан кетган кишиларнинг териси қорамтири тус олади, эти қотиб кетади.

Соф спирт ҳужайра протоплазмасига таъсир этиб, уни фалажлайди ва ўлдиради. Спирт айниқса нерв ҳужайраларига тез сингади, чунки нерв ҳужайраларида ёғсимон моддалар кўп бўлади. Шунга кўра алкоголь нерв ҳужайралари функцияларини бузади. Спиртли ичимлик ичган кишининг психик сфераси ҳам тезда ишдан чиқади.

Спиртнинг яна бир хусусияти, сувда ёмон эрийдиган заҳарли моддаларни ўзида яхши эритади ва бу моддаларнинг меъда-ичак системасидан сўрилиб, организмининг заҳарланйшини тезлаштиради. Шунинг учун алкогольчи ичимликларда ўткир заҳарли моддалар аралашмаси, айниқса, самогонда организм учун ўта хавфли моддалар бўлишини доимо эсда тутиш керак.

ИЧКИЛИКНИНГ НОХУШ ОҚИБАТЛАРИ

Фан-техника тараққий этган асримизда ишлаб чиқаришда турли хил автоматик-техникавий воситалардан фойдаланилибгина қолмай, балки ишлаб чиқаришни узоқ масофадан туриб, кибернетик усул билан бошқариш ҳам ривож топмоқда. Бинобарин, ишчи-хизматчи қайси босқичда иш бажармасин, унинг ақли расо, ўзи ҳушёр бўлиши керак. Акс ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори камайиб, сифати кескин наслайиб кетишни турган гап.

Замонавий техника ва бошқариш усули бўшангликни ёқтирамайди. Ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат ва технология интизоми озгина бўлсин бузилиши ишлаб чиқариш системасидаги иш жараёнини, иш тартибини, ритмини бузниши ва мураккаб бошқариш системасида

жуда катта зиён келтириши мумкин. Баъзан эса пул билан ҳисоблаш қийин бўлган талафот келтириб, инсон саломатлигига зарар бўлиши мумкин. Бундай ҳодисалар спиртлй ичимликларни ўринсиз, кўплаб, сурункасига ичиш натижасида юз беради. Мана, мисолларга мурожаат қиласайлик.

Гражданин Т. заводнинг ремонт-механика цехида термист бўлиб ишлар эди. У ойлик қўлга теккач, шериклари билан ичиб маст бўлди ва эртасига ишга бормади. Унга прогул ёзилди. Шериги эса цехдаги шу кунги пландаги ишни бажаролмади. Ишга келмаган Т.нинг ўрнига тажрибаси кам кишилардан уч киши қўйилса ҳамки, мўлжалдаги иш ҳажми бажарилмай қолди. Агар гражданин Т., шунингдек, ичкиликка ружу қилган бошқа ишчилар ичиб маст бўлиб, прогул қилишаверса, оқибат-натижада заводнинг план топширифи бажарилмай барбод бўлиши муқаррар.

Фабрикалардан бирида жуда яхши мутахассис ҳисобланган М. исмли киши кечқурун иштаҳа очиш учун оз-оздан ичишга ўрганиб қолди. Кўп ўтмай у хизмат вақтида ҳам даставвал бошқаларга билдиримай, кейинчалик эса ошкор равишда «қиттак-қиттак отиш»га одатланди. Тушки овқат ичимликсиз ўтмайдиган бўлиб қолди. Унинг бу қилигидан хабардор бўлган баъзи шериклари эса уни бу йўлдан қайтариш ўрнига ўзлари ҳам унга қўшилиб турдилар. М. нинг бундай ҳолга тушиб қолганидан фабрика бошлиқлари бехабар эдилар. Бу эса унга ва унинг оила аъзоларига жуда қимматга тушди. Кунларнинг бирида у, одатдагидек, тушликда «иштаҳа очиб», иш бошлади; бироқ у электромотор билан юрадиган агрегатни бошқара туриб озгина хатоликка йўл қўйди. Шу ондаёқ фожна юз берди: агрегатга дуч келган аъзоси мажақланди. Унинг оиласи бошлиқсиз, бола-чақалари отасиз қолнишди. Бундай нохушликни ўз вақтида сезмай, тегишли чора кўришга улгурманган завод маъмурияти эса доғда қолди. Начора?! Маъмурият зудлик билан унинг оиласига ёрдам қулини чўзди. Тегишли қарорлар чиқарилди. Бундай одамгарчиликнинг нафи қанчалик экани маълум. Лекин бунинг ўрнига фабрикада нохушликнинг олдини олиш чорала-ри кўрилганда олам гулистон эди-ку!

Булар кишига ичкилик келтирадиган жисмоний зарар. У кўплаб моддий зарар ҳам келтиради, шунинг учун ичкиликбозлик ижтимоий хавфли ҳодиса ҳисобланади.

Олимлар эргограф номли аппарат ёрдамида киши мушакларининг ишлаш қобилиятини текшириб кўришган. Бунинг учун бир группа кишилар мушакларининг иш қобилияти текширилади, сўнгра уларга озгина миқдорда (80 грамм) алкогол ичимлик ичирилиб, эргограф ёрдамида мускул фаолияти ёзиб олинади. Анализ озгина алкоголли ичимлик ҳам мушакларининг иш қобилиятини 16—17 процент пасайтиришини курсатди.

АҚШда атайлаб ўтказилган тажрибадан маълум бўлишича, 100 километрга югуриш ўтказилганда мўлжалланган жойга бир группа алкогол ичмайдиганлардан 92 проценти етиб келган бўлса, ичадиганларидан фақат 46 проценти етиб келган, холос.

Бош мия фаолияти билан боғлиқ бўлган ақлий меҳнатлардан бири машина механизмини бошқаришдири. Масалан, автомашинани бошқариш шулардан бири ҳисобланади.

Америка статистикаси маълумотларига қараганда, транспорт ҳодисалари натижасида келиб чиқадиган ўлимнинг ярми алкогол ичимлик оқибат-натижаси экан. Ичимлик сабабли навқирон эркаклар аёлларга нисбатан олти баравар кўп бевақт оламдан ўтар экан. АҚШда ичкиликбозлик туфайли содир бўладиган баҳтсиз ҳодисалар, ишга чиқмаслик, ишлаш қобилиятини пасайиб кетиши ва бошқа баҳоналар натижасида саноат корхоналаридан келадиган даромадлар анчагина камайиб кетар экан. Ичкилик ичиб машина бошқариш оқибатида келадиган зарап йилига 7—8 миллиард долларни ташкил этади.

ИЧКИЛИКБОЗЛИККА, АЛКОГОЛИЗМГА ҚАРШИ ҚАТЪИЙ ЧОРАЛАР

СССРда алкоголизм ва ичкиликбозликка қарши кураш борасида бир қатор маъмурӣ чоралар амалга оширилмоқда. Спиртли ичимлекларни реклама қилмаслик, уларни сотинин чеклаш, иш вақтида, жамоат жойларида ичиб маст бўлишга қарши кураш ва бошқа бир қатор тадбирлар шулар жумласидандир. Партия ва ҳукуматимиз ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш юзасидан қўшимча тадбирлар белгиламоқда. Булар ва бошқа оператив йўл-йўриқлар партия, совет, касаба союз органлари ҳамда бутун совет жамоатчилиги учун ичкиликбозлик ва алкоголизмга

Қарши курашда амалий құлланма бүлди, улар ичкиликбозлика қарши үт очадилар.

Тажриба шуни курсатдиди, ичкиликбозлик ва алкоголязма қарши кураш бутун жамоатчилик ёрдамида олиб борилмас экан, күнгілдагидек натижага эришиб бүлмайды. Ҳүшёрхонага тушганлардан баъзиларини суроқ қилинганды, улар ичиш сабабини шахсий байрам ёки дам олиш куни бүлгани, кайфияти бузилғанлиги, оиласи билан жанжаллашгани, касаллиги, яккалиги, баҳтсизлиги, ёмон шароитда яшагани ва ҳатто об-ҳавонинг ёмонлиги каби бүлмағур ва ўринсиз баҳоналарни рұкач қиласылар. Аксарияти эса маошни ювіб ва ўртоқлари билан учрашгани учун ичғанликларини айтадилар.

Ичкиликбозликининг келиб чиқишига сабаб киши маданиятининг етарлы әмаслиги ва маънавий талабчанлининг бүшлигидир. Бундан ташқари, атроф-муҳитдан тұғри фойдалана билмаслик, бүш вақтни бирор маданий дам олиш ва фойдалы иш учун сарфлай олмаслик ҳамда турли оммавий (спорт ва бошқа), ташкилий ишларнинг яхши йүлга қўйилмаганлигидир. Оилада тарбиянинг бүшлиги эса ичкиликбозликин келтириб чиқарадиган асосий сабаблардандир. Масалан, хүшёрхонада тунаганларнинг ярмидан күпі 20 ёшга етар-стмас ичишга мойил булиб қолғанлиги маълум бүлди. Бинобарин, ичкиликбозлик ва алкоголязма қарши бутун чоралар билан, тұхтосыз ва қаттиққұллик билан кураш олиб бориш зарур. Бунинг учун бизда барча шарт-шароитлар мавжуд. Матбуот, телевизор, радио, санитария-оқартув, ташвиқтот, тарғибот, лекция-суҳбат ва бошқа шу кабилардан кенг күләмдә фойдаланыш лозим. Алкоголнинг киши организм учун зағарлигини илмий асосда тушунтириш, ичкиликбозликининг наслега ва болалар тарбиясига ёмон таъсир қилишини, умр заволи эканини, оила ва жамоатчиликка күп оғатлар келтиришини тушунтириш керак.

Ичкиликбозлик ва алкоголязма қарши курашда мағалла активлари, кенг жамоатчилик катта роль үйнайды.

Спиртли ичимликларни истеъмол қилишга қарши кураш жараённанда мактабда, оилада ҳам тарбиявий ишлар олиб бориш лозим. Болаларни ижтимоий фойдалы меҳнатта үргатиши, одобли, ахлоқлы қилиб тарбиялаш, спорт билан күпроқ шүеудлантириш зарур аҳамият касб этади.

БИБЛИОТЕКА

Сем. СУННІТ

Сем. САДЫР

Хуллас, спиртли ичимликларниң қайси тури бўлиши ъа қанча миқдорда ичишдан қатъи назар, у организмни емира боради. Айниқса, инсон организмининг нерв ҳуҗайралари сезгир бўлганлиги туфайли, биринчи навбатда уларнинг ва, шунингдек, жигар ҳужайраларининг фаолияти бузилади ҳамда издан чиқади. Натижада киши турли касалликларга дучор бўлади, ичкиликбоз кишиларда хасталик оғир кечади. Киши маънавий тубанлашади, халқ ва жамоатчилик назаридан қолади. Ичкиликка берилиш, унга ружу қилиш умрни қисқартиради. Зоро, ичкилик — умр заволидир.

Ичкиликбозликнинг олдини олиш ва ундан қутулишнинг бирдан-бир түғри йўли спиртли (алкоголли) ичимликларниң организм учун заарли эканини илмий асосда тушунириш орқали кишиларни бу оғатдан қуткариб қолишдир.

4 т.

Инд. 75423

76